

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛУ ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

Ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази

**«Ногиронлиги бўлган болалар билан ижтимоий иш
олиб бориш»**

МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Бажарди:

**Субанова Фотима
Арзиматовна**

Илмий раҳбар:

Профессор С.Маннопов

Битирув малакавий иш кафедра йиғилишининг ҳимоя олди муҳокамасида
кўриб чиқилди ва ҳимоя учун тавсия этилди

-сонли баённома _____ «_____» _____ 2011 йил.

Фарғона 2011

Мазкур битирув малакавий иш “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий иш таълими ва амалиётини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида (2010) бажарилган. Лойиҳа Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ижтимоий иш сектори Миллий жамоа аъзолари томонидан, Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат Маданият Институти, Фарғона Давлат Университети, Республика болалар ижтимоий мослашуви Маркази билан ҳамкорликда ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, БМТ ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Болалар жамғармаси кўмагида амалга оширилмоқда.

Мавзу: Ногиронлиги бўлган болалар билан ижтимоий иш олиб бориш

Режа

Кириш

I Боб. Маънавий ҳаёт тушунчаси

- 1.1. Маънавий янгилашнининг ижтимоий-маданий асослари.
- 1.2. Маънавиятда миллий қадриятларнинг ўрни.

II Боб. Ногиронликка эга бўлган болаларни маънавий ҳаётдаги ўрни ва ижтимоий моҳияти

- 2.1. Ногиронликка эга бўлган шахсларни парваришlash ва ижтимоий ҳаётга қайтариш тамойиллари.
- 2.2. Ногиронликни ижтимоий модели.

Хулоса

Тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишнинг бош мақсади бозор иқтисодиётига асосланган янги демократик адолатли, инсонпарвар жамият барпо этишдан иборатдир. Бу жамият инсонга сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий турмуш тарзини эркин тиклаш ва танлаш ҳуқуқини кафолатлайди. Зеро, президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов таъкидлаганидек, “Биз истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ эски, қотиб қолган мафкуравий ақидалардан воз кечишга, маънавий янгиланишга, миллий истиқлол ғояси тамойилларини одамларнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилган аниқ сиёсат олиб бордик”¹. рўй бераётган ислохот ва ўзгаришлар бу жараённинг ифодаси бўлиб, айти вақтда маънавият соҳасида миллий қадриятларни тиклаш ва янада ривожлантириш, жамият маънавий ҳаётида бадиий-эстетик омилларнинг аҳамиятига эътиборни кучайтириш; ижодий салоҳият учун зарурий шарт-шароитлар яратиш; маънавий соғлом авлодни тарбиялаш; кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини оғишмай амалга ошириш; миллатларарототувлик ва барқарорликни таъминлаш; юксак инсоний фазилатларни шакллантиришда шарқона анъаналардан ижодий фойдаланиш туфайли янада кенг ижтимоий маъно касб этмоқда. Бу жараённи илмий тадқиқ этишнинг долзарблиги куйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, мустақиллик мураккаб жараён бўлиб, кишиларнинг юксак маънавий ва маърифий ҳаёти, ижодий салоҳияти, онглилиги, эркин тафаккурга таянадиган объектив-тарихий заруриятини англатади.

Иккинчидан, ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш маънавий ва маърифий янгиланишлар негизида бормоқда. Жаҳоннинг кўпгина, аниқроқ айтганда Ғарб мамлакатларида бозор иқтисодиётига ўтишда асосан иқтисодий ривожланиш қонунларига амал қилинган ва ҳуқуқий меъёр ҳамда

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., Ўзбекистон 2003

мезонларга риоя этилган бўлиб, Шарқда, хусусан республикамизда бу жараённинг кечиши маънавиятга устивор даражада аҳамият бериш орқали рўй бераётир.

Учинчидан, ислохотларнинг бош йўналиши самарадорлигининг пировард натижаларини белгилаб берадиган куч инсон омилидир. Шу маънода Ўзбекистонда жамиятнинг янгиланиши инсоннинг ҳар томондама, аввал маънавий-маърифий ва ахлоқий-эстетик камол топиши асосида амалга оширилмоқда.

Тўртинчидан, ўзбекистонда барпо этилаётган ҳуқуқий давлат ва демократик, эркин фуқаролик жамиятининг ўзи кенг маънода ижтимоий-маънавий ҳодисадир. У маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятларга суянган ҳолда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги, фаровонлиги, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, ривожланишнинг асоси ва шартига айлантиради¹.

Бешинчидан, кишилар ўзларининг ранг-баранг, бадий-эстетик фазилатлари орқали, бир томондан, мустақилликнинг бунёдкорлик табиатини реал гавдалантираётган бўлса, иккинчи томондан, жамият янгиланишида уларнинг ўзлари ҳам фаол кучга айланиб бормоқда.

Олтинчидан, бугунги кунда жамиятимизда ўзлари ногирон бўлса ҳам, қонуний ҳақ-ҳуқуққа эга бўлган ногирон болаларни маънавий тушунчасини ошириш, унинг ижтимоий моҳиятини англаб етишга эҳтиёж сезилмоқда.

Жамият маънавий ҳаёти ўзгаришлар ва янгиланишларида бадий-эстетик омиллар ўзига хос ўрин тутади. Уларни тадқиқ этиш фалсафий-эстетик тафаккур олдида турган долзарб масалалардан биридир. Бозор муносабатларига ўтишда маънавий-маърифий соҳада юз бераётган туб сифат ўзгаришларининг қонуний тарзда кечиши, уларни характерлантирувчи маънавий кучлар ҳақида сўз борганда, бадий-эстетик омилларнинг таъсири тўғрисидаги масала хусусида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Бу биринчидан.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Ўзбекистон 2000

Иккинчидан, маънавий янгиликларнинг марказида инсон, унинг турмуш тарзи, тақдири, ғоялари, бир сўз билан айтганда, инсон камолотини таъминлайдиган омилларнинг яхлит бирлиги туради. Булар орасида бадиий-эстетик омилларнинг ўз ўрни бор.

Мазкур битирув малакавий ишнинг тадқиқот замирида жамият ҳаёти тушунчаси, унинг моҳият-мазмун, таркиби, маънавий янгиликлар жараёнида бадиий-эстетик омиллар таъсири, Ўзбекистонда қарор топган бадиий-эстетик реалликнинг ижтимоий моҳиятини, шу борада маънавий ҳаёт янгиликларининг мазмуни ва моҳиятини долзарблиги асос қилиб олинди ва ана шу янгиликлар замирида инсонга сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-маънавий турмуш тарзини танлашга эътибор қаратилди. Ногиронликка эга бўлган болаларни маънавий ҳаёт янгиликларининг моҳияти очиб берилди.

Мақсад ва вазифалари

Жамиятнинг маънавий янгиликларини ўз ичига унинг асосий йўналишларини ҳам олади. Бунда маънавий ўзгаришлар сиёсий, демократик, ҳуқуқий, иқтисодий, илмий, диний, эстетик, ахлоқий қадриятлар негизда, янгича мафкуравий тамойиллар, фикрлаш доирасида намоён бўлади. Жамиятнинг маънавий янгиликларини ижтимоий ҳаётнинг истисносив барча соҳаларида сифат ўзгаришлари, айти вақтда маънавийнинг ўзида содир бўлаётган покланиш, юксалиш ва ривожланишларни ҳам қамраб олади. Жамиятнинг янгиликларини ялпи жараён бўлиб, моддий-иқтисодий асослар, ижтимоий-сиёсий асослар, маънавий-ахлоқий омилларнинг диалектик бирлигини гавдалантиради.

Иқтисодий плюрализм, бозор муносабатларига ўтиш, янги мазмундаги сиёсий тизим ва тузилмалар, халқ маънавийларининг покланиши, қадриятларнинг тикланиши, уларнинг аҳоли томонидан фаол идрок этилиши ана шундай асосини ташкил этади.

Буларнинг барчаси халқимиз маънавий ҳаёти янгиликларининг ижтимоий моҳиятини таҳлил қилишликни, мақсад ва вазифа қилиб

белиглайди. Чунки маънавий ҳаёт жамиятнин, унда яшовчи халқнинг ижтимоий турмуш тарзини белгилайди ва унинг моҳиятини ташкил этади.

Мустақил Ўзбекистоннинг бугунги кунги сиёсатида маънавий тарбиянинг ижтимоий моҳияти давлат сиёсати даражасига кўтарилганки, маънавиятни англаш бош вазифа қилиб белгиланган.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг “юксак маънавият – энгилмас куч” асарида ҳам бунинг моҳияти, мазмуни аниқ-равшан қилиб белгилаб берилган. Маънавият – инсоннинг улғайиши ва куч-қудрат манбаи эканлиги, маънавиятни англаш, аждодлардан қолган бой маънавий меросни англаган ҳолда асраб-авайлаш, муқаддас бурч эканлигини халқимизга етказиш, айниқса ёш авлодни бу борада яқинроқ воқиф этиши вазифаси тадқиқотнинг бош мақсади эканлигини англаш зарур бўлади.

Тадқиқотнинг услуб ва йўллари

Тадқиқот ишини бажаришда ва амалга оширишда, долзарблиги, мақсад ва вазифаларни белгилаш жараёнида аниқ бажаришнинг услуб ва йўлларини ўрганиш борасида, назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш бош вазифалардан этиб белгиланади.

Бу ишларни амалга ошириш учун аввало мавзунинг гнезиси, яъни келиб чиқиши ва ривожланиш нуқтасини ўрганиб чиқиб, уни таҳлил қилиш, унинг илмий, услубий кўрсатмалар асосида ёритишлик зарурати қўйиладики, бажаралидиган шу аниқ ташхисга эга бўлиши керак.

Мазкур тадқиқот ишини мазмун моҳиятини очиб беришда, уни ҳар томонлама тўлақонли тарзда ёритишда, илмий таҳлил қилишда, қуйидаги услуб ва йўллар мақсадга мувофиқ деб танлаб олинди ва ёритилди.

1. Аввало маънавий ҳаёт янгиланишининг ижтимоий моҳиятини барча кўринишларда таҳлил қилиш ва омилларини ўрганиш;
2. Мавзунинг долзарблигини, ундан келиб чиқадиган вазифаларни аниқ белгилаш, мақсадни ёритишда маънавиятни барча йўналишларига эътиборни қаратиш, ижтимоий моҳиятини

- белгилаш. Жамиятнинг кичик аъзолари саналиши ногирон болаларнинг ҳам тарбиявий-маънавий камолотини амалга ошириш;
3. Маънавий ҳаёт тушунчасини халқимиз онгига сингдиришнинг мақбул томонларини таҳлил қилиш, университетмиқёсида талабаларга, зарур адабиётлар, кўргазмали қуроллар, мусиқий ижрочилик омиллари орқали таъсир этиш йўллари излаб топиш;
 4. Маънавий янгиланишнинг ижтимоий-маданий асоаларини илмий таҳлил этган ҳолда ёндошиш, мустақиллик шароитида янгиланиш тубдан ўзгарганини, унинг асоси сифатида олиб борилаётган ишларни таҳлил этиш ва шарҳлаш;
 5. Маънавиятни янгиланишида миллий қадриятларнинг ўрнини изоҳлаб бериш, халқимизнинг асрлар бўйи авлоддан-авлодга ўтиб келган қадриятлари ва урф-одатлари моҳиятини очиб бериш;
 6. Жамият ижтимоий-маънавий янгиланишида бадиий-эстетик омилларнинг ўзига хос бадиий-эстетик омилларнинг ўзига хос мазмун ва хусусиятларини тушунтириш.

Юқоридаги тадқиқотнинг услуб ва йўллари аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиб, тадқиқот ишини ижобий яқунлашига дастуриламал бўлиб хизмат қилади ва ижтимоий ишчи касбини эплаб ҳаётга йўлланма олган ходимнинг аниқ мақсад сари йўналтиришга хизмат қилади.

Илмий фараз

Барча жабҳада амалга ошириладиган ишларни аввал бошида мақсад ва вазифалар белгиланади, унинг услуб ва йўллари ўрганилади. Бунга эса мавзунинг долзарблиги асос бўлади. Қуйидаги битирув малакавий ишнинг мазмун-моҳиятини очишда аниқ натижага яқинлашиш, мақсад сари интилган ишларни аниқ бажаришда бажарилган жойни ўрнини аниқлаш, уни объектини белгилаш муҳимдир. Шундан келиб чиқиб, ўзим ишлаётган наманган шаҳар 6-сонли ихтисослашган махсус болалар уйида тарбиячи педагоглар томонидан олиб борилаётган намунали ишлар, ногирон болаларга ғамхўрлик, ташкил қилинган шароитлар, ногиронликка эга бўлган болаларни

ижтимоий ҳаётдаги ўрнини англаш борасидаги маънавий-тарбиявий ишларни қанчалик йўлга қўйилганини эътироф этган ҳолда, ушбу болалар уйини асосий объект – жой қилиб белгиланди.

Ушбу ихтисослашган махсус болалар уйида жами 65 та боаллар тарбияланади. Уларнинг ёши 0-дан 7-ёшгача бўлиб, уларга 40 нафар тарбиячи-устозлар меҳр-қўрларини бериб, тарбияси билан шуғулланадилар. Мен ҳам ушбу болалар уйида логопед лавозимида ишлайман. Тили ногирон болаларни тўғри сўзлашга ўргатиш, уларнинг ҳар бир лаҳчасини тўғрилаб, сўзларни дона-доа қилиб айтишни муолажа орқали амалга оширишни амалга ошириш учун ҳаракат қиламан. Болалар ногирон бўлсада, ёшлиқдан бошлаб улардаги маънавий ҳаёт тушунчасини ҳосил қилиш учун изланиш олиб бораман.

Болалар уйида маънавий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган бўлиб, болалар уйи рабарияти томонидан режалар, топшириқлар, ишлаб чиқилган ва амал қилиниши, ўрганилиши зарур бўлган қарор ва кўрсатмалар тадқиқот ишининг методологияси бўлиб хизмат қилса, амалга оширилган барча ишлар, тадбирлар, ижро интизоми, тадқиқот ишининг амалий томонини ташкил этади.

Тадқиқот ишининг кириш қисмига хулоса қиинадиган бўлса муҳим масала бўлиши маънавийнинг, ҳаёт янгилашининг ижтимоий моҳияти бугунги кундаги энг долзарб мавзу эканлигини эътироф этиш зарур бўлади.

Тадқиқот ишини аниқ мақсадлар асосида ёритиш, унинг натижаларини аниқ услуб ва йўллар асосида ёндашган ҳолда амалга ошириш, илмий фаразнинг ўзига хос моҳиятини тушунган ҳолда ёндошишликни тақозо этади.

Бу борада давлатимиз томонидан олиб борилаётган маънавий ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этиши табиийдир. Чунки, президентимиз и.А. Каримовнинг олиб бораётган маънавий-қувватлаш борасидаги ижобий ишлари ва кўрсатмалари диққатга сазовордир.

І Боб

Маънавий ҳаёт тушунчаси

Жамият мавжудлиги ва тараққиётининг муҳим томони ва ҳаракатлантирувчи кучи маънавий ҳаёт ҳисобланади. Жамиятнинг маънавий ҳаёти авваламбор икки жиҳати билан кўзга ташланади. Биринчидан, у кишилар ҳаётининг фаолиятнинг кўзга кўриниши ва кечиши, унинг асосий турларидан бўлиб, иккинчи томондан, жамиятнинг нисбий мустақил соҳасидир.

Жамиятнинг маънавий ҳаётига дахлдор муаммоларини манбалари инсон фаолиятининг икки ёқлама, яъни моддий ва маънавий шаклда рўёбга чиқишидан келиб чиқади. Маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ақлий меҳнат соҳиблари томонидан алоҳида ижтимоий онгли фаолият вужудга келтиришдан иборатдир. Бу жараёнларнинг натижаларига асосан уч йўналишда, яъни биринчидан, ғоя ва назариялар, маънавий қадриятлар; иккинчидан, индивидларнинг ижтимоий-маънавий алоқалари; учинчидан, муайян дунёқараш соҳибни бўлган инсон (кенг маънода маънавий моҳият)нинг ички олами орқали гавдаланади. Манай неъматларни ишлаб чиқариш тсруктураси жиҳатдан воқеликни асосан уч хил, яъни илмий, эстетик диний шаклда ўзлаштиришни ифодалайди.

Жамиятда мавжуд алоқа ва муносабатларнинг ранг-баранглиги ўз-ўзидан равшан, бироқ, энг асосийси, икки яъни уларнинг моддий ва маънавий соҳаларда кўринишлари ҳисбланади. Бинобарин, улар кишилар ўртасида амал қиладиган бир тартибдаги муносабатлар ифодасидир. Демак, ҳамма гап муносабатнинг иккала тури ўртасидаги тафовутларнинг асосланиши, уларнинг нимага таяниб таркиб топилганлигидир. Агар бу асос моддий бўлса, муносабат ҳам шунга мувофиқ бўлса, бу асос – ғоя, тушунча, образ тазида бўлса, у ҳолда муносабатлар маънавийлик касб этади. Шунга кўра, маънавий неъматлар ишлаб чиқаришнинг уч яъниб ғояларни, образларни, тасаввурларни соф тушунчаларда яратиш, кишилар ўртасида

шаклланадиган маънавий алоқалар, ижтимоий-маънавий муносабатларни таркиб топтириш турлари амал қилади.

Маънавий неъматлар ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги, моддий ишлаб чиқаришдан фарқланувчи томонларини қиёс қилганда, кўзга яққол ташланади. Бу нарса аввало идеал тузилмаларда кўринади. Булар орасида бош хусусият уларни идрок қилишнинг умумий характерда эканлигидадир, бу эса ҳамма учун тегишли маънавий қадриятлар мавжуд бўлишини таъминлайди.

Моддий бойликлар чегараланган бўлиб, ҳаёт мантиқига кўра, қанчалик кўпроқ даъвогарлик қилса, одамларнинг ҳар бирига моддий неъматлардан шунчалик кам насб этади. Маънавий бойликларни тақсимлаш соҳасида бутунлай бошқа манзарани кўриш мумкин, яъни кишилар улар билан қанчалик кўпроқ алоқа боғласа, уларни ўзлаштириш билан боғлиқ фаолият шу қадар кенгайиб, чуқурлашиб, аҳамияти янада ортади.

Маънавий фаолиятнинг мўжизакорлиги унинг улкан жозиба кучига эга эканлигида намоён бўлади. Рассомлар, олимлар, ёзувчилар, руҳонийлар, уларни бошқалар эътироф этадими, йўқми, бундан қатий назар, ижод қилаверадилар.

Асосий нарса – маънавий фаолият жараёнини ижодкорга унинг ўзига хос кучли руҳий қониқиш бахш этишидадир. Маънавий фаолият фандайдир янгиланиш, ижодийлик, бошқача айтганда, маънавий-руҳий оламни янгидан яратишга йўналтирганлиги билан ўз соҳибини бошқалардан қониқиш ҳосил қилади.

Кишилиқ тарихида моддий бойликлар яратувчилар эмас, аксинча, унга эгалик қилувчилар кўпроқ қадр топади. Маънавий бойлик соҳасида эса бутунлай бошқача манзарани кўрамыз. Маънавий бойликларни ўзининг хусусий мулкига айлантириб олган соҳиб кўпчилиқни қизиқтирмаслиги мумкин, шунингдек, маънавий бойликларни шунчаки тўплаб олиш ва уни ўзлаштириш дегани ҳам эмас. Жамиятда ақлий меҳнат маҳсулотларини шахсий мулкка айлантирганлар уларнинг шеърларини, кўшиқларини кўп

биладиганлар эмас, балки уларни яратувчилар, ижрочилар, омага етказувчилар кўпроқ кадр опади.

Жамият миқёсида “маънавий ҳаёт” тушунчаси “маънавий соҳа” тушунчаси орқали конкретлаштирилади. Жамиятнинг маънавий соҳасига бутун маънавий ҳаёт эмас, балки унинг баъзи қийматлари ёки маънавий неъматлар ишлаб чиқариш даражаси билан боғлиқ ихтисослашган томнлари киради.

Махсус социал институтлари – мафкуравий ва илмий муассасалар, театрлар, кутубхоналар, музей, мактаб ва бошқалар шулар жумласидандир. Булар маънавий кадриятларни яратувчилар ва тарқатувчилар, айтиш вақтда халқ қалби ва онгига сингдиришда фаоллик кўрсатувчилар ҳамдир.

Илмий-фалсафий адабиётларда “Маънавий соҳа” тушунчасига одатда фан, мафкура, бадиий ижод, эстетик фаолият, таълим ва тарбия кабиларни киритадилар. Маънавий соҳанинг таркиби эса қуйидаги уч белги билан ажралиб туради: улар, биринчидан, ижтимоий онг шакллариغا асосланади; иккинчидан, маънавий ҳаётнинг муайян турларини ўз ичига олади; учинчидан, жамиятда уларнинг ўзи шаклланган кичик тизимчани ташкилэтади¹.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, жамиятнинг маънавий ҳаёти, ўз моҳиятига кўра кишилар ўртасидаги руҳий алоқаларнинг реал жараёни; амал қилишига қараб эса, ижтимоий ҳаёт ва онгли фаолиятни ташкил қилиш, кишиларнинг маънавий эҳтиёжлари ва уларни қондириш билан боғлиқ нисбий мустақил соҳадир.

Маънавий бойликларни яратиш жараёнида ижтимоий онг, маънавий кадриятлар маънавий муносабатларнинг моҳиятни ифодалайди. Маънавий неъматлар ишлаб чиқариш ақлий, меҳнат ва бадиий истеъдодлар салоҳиятига суянади. Жамият ривожланиши билан интеллектуал меҳнат инсонларнинг фаолияти учун янада кенгроқ имкониятларни вужудга келтиради. Унинг

¹ Тожиев Х. Миллий мафкуранинг назарий ва методология масалалари. Т.: 1999

Ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам шунда. Ақлий меҳнатнинг жозибдорлиги, айниқса, адаб ва фан соҳасида шулар билан белгиланади.

Маънавий неъматлар ишлаб чиқариш, энг аввало меҳнатнинг ижодийлигида кўзга ташланади. Санъаткор, олим, рассом, бастакорнинг меҳнати ҳақиқатдан ижодийдир. Кенгроқ маънода инсоннинг ҳар қандай моддий меҳнати, маънавийлик руҳи билан суғорилгандир. Сабаби – моддий фаолиятда инсон нафақат жисмоний, балки шу билан бирга, ўзидаги маънавий кучларини ҳам намойиш этади. Илмий, фалсафий адабиётларда моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг маънавий салоҳияти, деган тушунчанинг ишлатилишини шу билан изоҳлаш мумкин.

Маънавий ҳаёт таркиби ҳақида сўз кетганда, унда маънавий эҳтиёжлар алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш жоиздир. Эҳтиёжларнинг таркиб топоши ва ривожланиши ҳамма вақт инсоннинг камол топоши жараёни, биринчи ўринда унинг қобилиятлари билан, чунончи, вояга етиши, организм ривож, тарбияси, янгидан-янги манфаатлари пайдо бўлиши билан боғлангандир.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжлари негизида маънавий манфаатлари, ахлоқий туйғулари ётадики, бу эса ижтимоий моҳиятга эгадир. Мусиқани фарқлайдиган кулоқ, гўзал шаклни инъикос этадиган кўзнинг қобилиятлари ва шу кабилар меҳнат туйғули таркиб топганлигидан кишига роҳат бағишлайди. Нафақат туйғулар, балки тафаккур ҳам маънавий эҳтиёжларни шакллантиради. Инсон табиат бағрида яшайди, кишилар орасида истиқомат қилади ва унинг туйғуларига ижтимоий мазмун бағишлайди, унинг эҳтиёжлари, оламга муносабатини белгилайди. Масалан, гўзал табиат манзараси кайфиятга қараб турлича ифода этилиши мумкин; табиат гўзаллиги шаҳарликка нисбатан қишлоқ аҳолисида бошқача таасурот қолдиради, одамнинг овқатга муносабати тўқниқидан бутунлай бошқа: “Оч одамнинг қулоғига мусиқа кирмайди, яъни унга юз марта ташвиқот қилсанги ҳам, у қорнидан бошқа нарсани ўйламайди”¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодий, сиёсат, мафкура. 1 т. 190 бет

Демак, эҳтиёт ўзининг маънавий хусусиятларини йўқотмаган ҳолда ҳам моддий фаолият, ҳам маънавий фаолиятда юзага келади ва кондирилишини тақозо этиши мумкин.

Маънавий ҳаёт тизимини қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кишилар маънавий оламининг шаклланиши, уларнинг маънавий бойишида дунёқарашнинг кенгайиши, маънавий қадриятларни ташкил этади. Улар инсон фаолияти, меҳнати, яратувчанлик қобиляти, ижодкорлиги маҳсулидир.

Хулоса қилиб айтганда, маънавий ҳаёт, маънавий қадриятлар – булар кишиларнинг маънавий фаолияти, ҳаёти, инсон, табиат, маданият тўғрисидаги қарашлари, малакавийлик самарасидир. Қадриятлардаги маънавийлик инсон ҳаётининг фаолиятининг маҳсули, унинг меҳнати ва айни қобиляти ифодасидир.

Айтиш мумкинки, жамиятнинг маънавий ҳаёти муайян дунёқараш, ғоя, мақсад ва интилишлар соҳиби бўлган кишиларнинг ижодий ўзгартирувчанлик ва яратувчанлик фаолиятларини гавдалантирадиган жараён бўлиб, таркибий маънавий эҳтиёжи, маънавий неъматларни ўзлаштириш, маънавий муносабатлар, шунингдек, уларни амалга оширадиган маънавий фаолиятнинг восита ва усуллар тизимидан иборатдир.

1.1. Маънавий янгиланишнинг ижтимоий-маданий асослари

Миллий мустақиллик шароитида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, жамият ва шахс маънавиятидаги туб ўзгаришларда янгиланиш жараёнлари юз бермоқда. Дарҳақиқат жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида мустақил юртимизнинг иқтисодий-сиёсий барқарорликка рўй-рост эришаётгани ўз навбатида, маънавий янгиланишни ҳам тақозо этаётганлиги ҳам табиий ҳолдир. Негаки ҳар қандай жамиятда ўз миллий-маънавий қиёфаси бўлмас экан, жамият ўз ўрнига эга бўлмайди. Янгиланиш нафақат умумжамят

миқёсидаги, балки ҳар бир инсон камолоти учун зарур шарт-шароит яратадиган жараён дир. Шу маънода ҳам жамиятдаги бошқа ўзгаришлар каби, аввало инсон учун унинг камолоти ва ҳаёт фаровонлигини таъминлайдиган ислохот дир.

Демак, жамият тараққиётининг конкрет тарихий босқичига хос қонуний жараёнлар ва конкрет вазифалар янги ланишнинг объектив заминини ташкил этади. Жамият янги ланишининг ҳар қандай жараёни инсон менталилитети, руҳияти ва унинг объектив заруриятни янгилик тарзида идрок этиш қобилиятидан бошланади ва турмушнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маданий ва бошқа соҳаларини қамраб олади. Бу фикрлар янги ланиш жараёнини тадқиқ этишда муҳим назарий-методологик аҳамият касб этиб, қуйидаги тамойилларга суянишга асос бўлади;

- янги ланиш жараёнини тадқиқ этишда уни яхлит, яъни иқтисодий, ижтимоий, ахлоқий, эстетик, ташкилий ва бошқа ҳолатларини ҳисобга олиш;
- шундан кўринадики, жамиятдаги янги ланиш жараёнлари авваламбор, инсон тафаккурини янгилаш, унинг турмуш тарзини янгилашдан бошланади;
- жамият маънавий ҳаёти янги ланишини илмий таҳлил қилиш зарурияти бугунги кунда рўй бераётган туб сифат ўзгаришларининг тарихий илдизларини ёритиш, илмий-фалсафий таҳлил этиш;
- собиқ иттифоқ шароитида юзага келган ижтимоий таназзул ва унинг халқ тафаккуридаги асоратларини тугатиш;
- янги ча фикрлаш учун зарурий ижтимоий-тарихий шарт-шароитни вужудга келтириш;
- миллий мустақиллик шароитида дунёқараш тизимида янги ча тамойиллар, йўналишлар таркиб топишини таъминлаш;
- мустақиллик дунёқарашининг янги ланишига амалий таъсир кўрсатаётган объектив-субъектив омиллар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, натижаларини ёритиш билан боғлангандир.

Айни вақтда бу ижтимоий ўзгаришларни мазмун-моҳияти, кўлами ва миқёсларини миллий ғоясиз тўғри тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин миллий ғоянинг ўзи ана шундай янгиликларнинг таркибий ижтимоий, маънавий эҳтиёжи, жамиятдаги ҳамжиҳатликнинг маънавий омилидир.

Жамият ҳаётининг маънавий янгиликларини сиёсий қарашларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ислохотларнинг демократик моҳияти, маънавий куч-қудрати, шубҳасиз, давлат жамиятининг инсон манфаатларини сиёсий жиҳатдан изчил ҳимоя қилиш билан белгиланади. Жаоатчилик фикри аҳоли онгида содир бўлаётган ўзгаришларнинг ўзига хос муҳим томони – бу давлат биз учун ҳамма нарсани қилиб беради, деган боқимандалик кайфиятидан аста-секинлик билан фориғ бўлаётганлигидан далолат беради.

Янги сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурни шакллантириш иқтисодий тафаккур шаклланишига нисбатан мураккаб ва қийин жараён дир. Жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар айни вақтда ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий, ҳам социал ҳаётнинг жами унсурлари билан бирга маънавий соҳанинг ўзини ҳам қамраб олиши табиийдир. Шундай экан, таркибий тузилиш соҳасидаги ислохотлар маънавий ҳаётда ҳам жиддий ўзгаришларга олиб келди.

Маънавий соҳа табиатан ўзига оқилона раҳбарликка эҳтиёж сезади, мажбурийлик, куч ишлатиш каби салбий ҳодисалар билан келиша олмайди, айни вақтда, маданият арбобларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни тақазо этди. Бундай шароитда ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Маънавий соҳани демократлаштириш шахс эркинлиги муаамоси билан узвий боғланган. Адабиётларда эркинликнинг тури, яъни ижтимоий шарт-шароит таъминлайдиган эркинлик ҳамда шахснинг маънавий фазилати сифатида эркинлик ҳақида фикрлар юритилади. Бошқача айтганда, руҳий ҳодисанинг моҳият-мазмунини инсоннинг эътиқоди, ишончи билан белгиланади, бунингсиз жамият, маънавиятнинг ўзгариши, янгиликларини тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас.

Маънавий эркинлик – шахснинг борлиқни билиши, ўзини намоён этиши, ўз-ўзини тасдиқлаши соҳасидаги ижодкорликдир. Илҳомсиз ҳеч қандай ижод бўлиши мумкин эмас, илҳомланиш қобилияти ички-маънавий ва ташқи эркинликнинг уйғунлашувидир. Ташқи эркинлик инсоннинг маънавий эркин бўлишининг ижтимоий шартидир. Бунинг маъноси шуки, инсоннинг маънавий эркинлигига зўравонларча аралашиш асло мумкин эмас.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш маънавий эркинликнинг муҳим омили ҳисобланади. Чунки ҳуқуқий маданият, маънавий маданият билан узвий боғлиқ ҳолда ҳаракатланади. Маънавий соҳадаги демократлашувнинг тезлашишида фан, санъат, адабиёт катта рол ўйнайди. Демократлашда шундай ахлоқий-психологик муҳитни юзага келтириш оқибатида маънавий ижодкорлик рағбатлантирилади, фандаги хилма-хиллик, ижодий муҳитда ўзаро алоқадорлик замирида маданият кўллаб-қувватланади, маънавий соҳанинг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланади.

Миллий мустақиллик кишилардан ижодий тафаккур, ташаббускорлик, ишбилармонлик, ташкилотчилик, конкрет шароитни чуқур англаб, фаолият кўрсатиш, омилкорликни талаб қилади. Бу ишбилармонлик фазилатлари шахснинг интеллектуал соҳаси билан бевосита боғлангандир. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви халқ ҳаётида туб бурилиш даврини бошлаб берди, натижада ижтимоий, шахсий ҳаётдаги янгиланиш табиий, қонуний жараён тусини олди. Мустақиллик шарофати билан ислом дини узоқ йиллик таъқибдан сўнг, диний қадриятлар қайта тикланди, диний эътиқодга эркинлик берилди. Бу нарса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлар доирасида белгилб қўйилди.

Халқимизнинг қадимий ва навқирон бадиий-эстетик маданияти, санъати ривожланишига катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси президенти, Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармонлари ва қарорларида бадиий маданиятнинг жамият маънавий тикланиши жараёнидаги ўрни ва масъулияти белгилаб берилган. Театр, кино, мусиқа,

радио, телевидения, мусикий таълим, миллий ракс, бадий академия, халк хунармандчилиги, амалий санъат, эстрада кўшиқлари соҳасидаги янги бадий-эстетик тамойиллар вужудга келди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шундай хулоса чиқариш мумкинки, жамиятдаги ўзгаришлар, ислохотлар, янгиланишлар маънавиятни ривожлантириш доирасида амалга оширилмоқда, яхлит ҳолда улар баркамол инсонни тарбиясига даъват этилганди. Фалсафий-эстетик нуқтаи назардан таҳлил этадиган бўлсак, бу жараёнлар ҳақиқат, гўзаллик, эзгуликнинг ўзида намоён этадиган инсонни камол топишига қаратилгандир. Зеро, ижтимоий янгиланишнинг ижтимоий-мадний асослари барча юқоридаги фикрларнинг инъикосидир.

1.2. Маънавиятда миллий қадриятларнинг ўрни

Маънавий-ахлоқий ҳаётнинг илмий тадқиқ этиш узоқ тарихий анъанага эга бўлиб, ўз моҳияти, мазмунига оид ранг-баранг нуқтаи-назарлар, қарашлар, концепциялар юзага келганлиги маълум. Ижтимоий-фалсафий фанлар маънавиятга авваламбор, онтологик ва гнесологик жиҳатдан ёндашиб унинг хос реаллик эканлиги, айна вақтда инсон учун ўз онги орқали билиб олиши мумкинлигини эътироф этади. Ўтмишда одамлар кундалик турмуш-тарзидан келиб чиқиб, маънавиятга нисбатан, моддий-иқтисодий ҳаётга эътибор берганликлари сир эмас. Ишлаб чиқариш кучлари ривожланмаганлигини, моддий неъматларни етарли ва тўла-тўқис ишлаб чиқаришга монелик кўрсатиб келган. Шу сабабдан моддий турмушга қараганда кишиларнинг маънавий ҳаёти қандайдир иккинчи даражали аҳамиятсиздек туюлган. Бу эса, маънавиятга шунга хос муносабатни шакллантирган. Бироқ оилалар билан оилалар, қабилалар билан қабилалар, уруғлар билан уруғлар ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ва бунда чинакам инсоний фазилатларнинг пайдо бўлиши учун албатта маънавият қарор топиши ижтимоий зарурат бўлиб қолди. Маънавиятсиз жамият шаклланмас ва барқарор бўла олмас эди.

Маънавий-ахлоқий фикрлар тарихи шундан далолат берадики, ҳақиқий маънавийлик бу – эзгулик, меҳрибонлик, кўтаринкилик ва гўзаллик, виждонийлик, билимга иштиёқ, табиат ва табиатга оқилона муносабатни таркиб топтириш ғояси ва туйғусининг яхлит ифодасидир. У кишиларнинг қахрамонлик ва фидокорона меҳнат қилиш, келажакка ишонч руҳида ва фидокорона меҳнат қилишга даъват этади. Маънавиятни йўқлиги инсон иродасини пасайтиради, ҳақиқатга ишончсизлик туғдиради, худбинликка, жиноятга етаклайди. Шу сабабли ҳар бир шахсда юксак маънавияни таркиб топтиришда кўмаклашиш, маънавиятсизлик, қалбакичилик, тубанлашишни олдини олиш муҳим ижтимоий вазифа бўлиб келган.

Тадқиқотчиларнинг қайд этишларича, инсон ўзликни англаш жараёнида камолотга эришади. Шу маънода инсоният тарихининг ўзи кишиларнинг маънавий комиликка эришиш тарихидир. Бу ҳақда жаҳон фалсафаси тарихида жуда кўп ақидалар, назариялар, концепциялар вужудга келган ва ҳозир ҳам бу жараён давом этмоқда. Инсоният эришган маънавий барқарорлик ҳақида сўз борганда, унинг дасаввал асотирлар дунёқараши билан боғлиқ ҳолда юзага келганлигини таъкидлаш мумкин. Бундай интилиш мифологик асарлар, халқ яратган оғзаки ижод намуналари, мақол ва маталларда ўз ифодасини топган.

Миллий мустақиллик маънавият ҳодисасига янгича ёндошиш заруриятини келтириб чиқарди. Шунинг учун олимларимизнинг бу масала билан қизғин шуғулланишлари бежиз эмас. “Маънавият – инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балоғоти ва дунёқарашини ифодайдиган тушунчадир”, -деб ёзади Т.Маҳмудов¹. юқоридаги фикрлар кўрсатадики, бугунги миллий маънавият кўп қирали бўлиб, ранг-баранг шакллар, кўринишлар, омиллар ва тамойилларни қамраб олади. Маънавиятни шакллантириш ҳар бир миллатнинг тарихий илдизларидан, бой маънавий меросидан, қадриятларидан, урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш миллий маънавиятни таъсир этишнинг асоси мезоналари саналади.

¹ Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Т.: “Шарк” 2001

Тарихимизга назар солсак ўзбек миллати ўзининг миллий кадриятларига бой, урф-одатлари ота-боболаридан мерос қолиб, кадриятларга айланиб келган миллат саналади. Шу сабабли маънавий бўхтонлар, замонанинг зайли билан маънавий камситишлар, диний кадриятларимизнинг топталишидан қатъи назар маънавиятимизнинг пойдевори мустаҳкам бўлганлигини кўрсатди. Барча замонлардан эсон-омон ўтиб, бугунги муборак мустақиллик даврига етиб келдик. Миллий кадриятларимиз кенг маънода миллатимизнинг кўркига айланди. Маънавий бойликларимиз халқимизга хизмат қилмоқда. Аждодларимиздан қолган улкан маънавий меросни асраб-авайлаб келгуси авлодга етказиш муҳим бурчга айланди. Улкан маънавий бойлигимиз баркамол авлод тарбиясига хизмат қилмоқда. Бунинг барчаси маънавий кадриятларимизнинг бус-бутунлигидан далолат беради.

Демак, маънавият ахлоқий-эстетик кадриятлар мазмунини ифодалаб, кишилардаги чинакам инсонийлик, гуманизм тамойилларини тасдиқлайдиган, шунингдек, дунёқараш ва маданият соҳасидаги маънавиятсизликни бартараф этадиган, моҳиятан иймон, умид, меҳр-муҳаббат, донишмандлик, гўзаллик, адолатпарварлик, уйғунлик каби кадриятлардан ташкил топадиган фазилатлар йиғиндисидир.

Маънавий-ахлоқ ҳақидаги фикрларни таҳлил этиб, эстетик кадриятларни ўрнини яққолроқ тасаввур қилиш мақсадида маънавият таркибини бўлинишини қуйидагича таърифладик:

- ахлоқий-руҳий фазилатлар. Инсоннинг бу фазилатлари эзгулик ва меҳр-оқибатни ахлоқий тушунчаларида акс этади. Улар ўзининг қарама-қаршиси – эзгулик ва нафратга айланиб кетишига йўл қўймасликни ҳам билдиради. Эзгулик (яхшилик), руҳий ҳамдардлик, ҳимматлилик, ҳайрихоҳлик, одамшинавандалик, шавқатлилик, самимийлик, саҳийлик, софдиллик, кўнгиллилик, сабр-қаноатлилик – булар инсонни ташқи оламга ижобий ёндошиш кадриятларини белгилайди. Эзгуликнинг маънавий-ахлоқий меъёрлари инсоннинг

Ўзига нисбатан талабчанлик, бошқалар билан юксак маданий муносабатда бўла олиш, ўзга фикр ва бошқача позициядагилар билан мурося қила билиш қобилияти нафақат кўпчилик, балки, алоҳида инсоннинг оқилона эҳтиёжларини тўла қондиришга амалий ёрдам кўрсатишни ҳам ифодалайди. Бу фазилатлар инсонга қадриятлар сифатида берилган бўлиб, инсонда меҳр-муҳаббат, юксак маънавийликни гавдаланишидир. Зеро, Алишер Навоий сўзи билан айтганда, маънавиятни ҳар бир инсон зиммасига ҳикматга айланиб кетган қуйидаги масъулиятни юклайди:

“Одамий эрсанг, демагил одамий,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами”.

Ҳар бир миллат тараққий этишининг асосий мезонларидан бири кишиларнинг давлатга бўлган ишончида намоён бўлади. Бу соҳада мустақилликка эришган республикамизда жамиятни бошқаришда демократик тамойиллар изчиллик билан қўлланилмоқда, кучли давлатдан, кучли жамиятга ўтиш қонунлари асосида амалга оширилмоқда. Жамиятни бошқаришда демократик тамойиллар изчиллик билан қўлланилмоқда. Кучли давлатдан, кучли жамиятга ўтиш жараёни самарали кечмоқда. Энг муҳими, инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатларининг устивор бўлишига эришилмоқда. Республикамизда бозор муносабатларига ўтиш ва ривожланиш жараёнида ижтимоий муҳофаза масаласида меҳр-мурувват билан ёндашилмоқда. Ёшларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамоллигини таъминлаш катта ижтимоий маъно касб этмоқда. Қарияларга меҳр-шафқат кўрсатилмоқда. Буларнинг барчаси миллатимизнинг азалий қадриятларининг юксалганлигидан далолат берадики, аждодларимиздан бу фазилатлар бизга қадриятлар асосида мерос бўлиб келган. Ушбу қадриятларни авайлаб-асраш, келгуси авлодларга бус-бутун ҳолда етказиш, юксак маънавиятимизни авайлаб-асраш бугунги кун инсонларининг муқаддас бурчидир.

II Боб

Ногиронликка эга бўлган болаларни маънавий ҳаётдаги ўрни ва ижтимоий моҳияти

“Охирги бир неча ўн йилликда чекланган имкониятли одамларни тақдим этувчи ташкилотлар ногиронлик муаммосига мувофиқ равишда инсон инсон ҳуқуқлари асосланган ёндашув ва атроф-муҳитни тушинишга асосланган ёндашувни ривожлантирдилар. Ҳар икки ёндашув ногиронликнинг ижтимоий моделига асосланади. Бу ерда диққат марказида инсон ҳуқуқлари ва барча одамларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши мумкин бўладиган ўзгаришлар зарурияти муаммоси туради. Бу моделлар ичида ногиронларни индивидуал чеклашлар эмас, балки жамиятнинг уларни жамоатчилик ҳаёти жараёнидан четда қолдирадиган тарзда тузилиши заифлаштириши ҳақидаги фикр таъкидланади. Шу асосда чекланган имкониятли одамлар ташкилоти янада кўпроқ ўз ҳуқуқлари учун курашишга бирлашмоқдалар”¹.

Дунёда ногиронлик тушунчасини шарҳлаш ва изоҳлаш тўғрисида узок йиллардан бери олимлар орасида кескин тортишувлар давом этиб келмоқда. Бу борада инсонлар учун яққол кўриниб турган ҳодиса – ногиронликни қандай таърифланиши, уларнинг турли-туман кўринишларига жаҳон оммасининг тушунчаси натижасида барча қарама-қаршиликларнинг кўринишлари жиддий тус олиниши ажабланарли кўриниши мумкин. Бундай кўриниш баҳс-мунозараларга бой бўлиб, у ёки бу сисат ва ривожланаётган давлатларда моддий эҳтиёжлар шароитида яшовчи имконияти чекланган одамлар билан ишлаш амалиётининг шаклланиши учун шундай катта аҳамиятга эга эканини умумий тушунтириш деб англашни тақазо этади.

Ногиронлик нима?

Инсон туғилишида барча аъзолари етарли даражада нормал ҳолатда туғилса жамиятнинг тўлиқ аъзоси туғилди деган кўникма сақланиб қолган.

¹ Европа иттифоқининг делегацияси ва турли хизматлар учун ногиронлик ва ривожланиш юзасидан тушунтириш хати. Март, 2003 йил

Янги туғилган болада ниманидир етишмаслиги натижасида бола ногирон туғилади ва ногиронлик унинг физиологик кўринишда танасида акс этади ёки бош мия функциясида, соқов бўлиб қолган ҳолатдаги ўзгаришлар натижасида ногиронлик деб аталмиш доимий тушунчани олиб келади. Ногиронликнинг доимий тушунчаси инсон саломатлиги билан нимадир “жойида” эмаслигига қаратилган. Бундай қараш ногиронликни жисмоний бузилишига тенглаштириб қўяди. Жисмоний имконияти чекланганликка кўзи ожизлик, карлик, одам одам қийналиб ёки бутунлай ҳаракатланмайдиган, гапирмайдиган турли ҳолатлар, психик касалликлар, шунингдек, Даун синдроми ва эпилепсия ҳолати таалуқлидир. Жисмоний имконияти чекланганликка бундай тиббий қарашни кўпинча ногиронликни тиббий модели деб атайдилар. Умуман олганда, қачонки ногиронлик шахс соғлиги муаммоси сифатида концептуаллаштирилса, имконияти чекланган одамлар ижтимоий жиҳатдан қабул қилинади ва улар ўзларини барча бошқа нарсалар орасида қандайдир умидсиз, номуъёрий сифатида, ҳар турли тиббий ва реабилитацион интервенциялар учун пациентлар ва ёки тобе объектлар каби англайдилар. Кимдир ногиронликни тиббий призма орқали кўриб чиқаётган пайтда жисмоний чеклаши бўлган одамлар билан иш олиб боришга тўғри келадиган нохуш ижтимоий оқибатларнинг мавжудлиги тан олиними мумкин, ушбу парадигма ичида ижтимоий ҳаётдан чиқариш кўп ҳолларда ногиронлик из қолдирган чеклаш натижаси сифатида кўрилади. Модомики, бундай ҳолда муаммо тоза тиббий деб ифодаланар экан, унда шунга мувофиқ у асосан даволаш ва реабилитация орқали ҳал қилинади; реабилитация баъзи ҳолларда махсус институционал ташкилотларда яққалаб қўйишни талаб қилади. Бундай иш имконияти чекланган одамларга ғаҳўрлик қилиш ва ҳимоялашни таъминлаш мақсадида махсус профессионаллар томонидан институционализм ҳолларидаги каби ёки муъёрий ишлашини тиклашни таъминлаш учун олиб борилади.

Функционал бузилишларга эга бола бошқа барча болалар қатори меҳрибонлик ва яқинликка инсонлар билан мулоқотда бўлишга эҳтиёж

сезади. Хеч қайси врач ёки бошқа инсон вазиятни қийинлаштирмаслиги ота-оналар тушуна олмайдиган ёки амалда қўллаб-қувватламайдиган узоқни кўзловчи қарорлар қабул қилишга шошилмаслиги керак. Биз шуни биламизки болаларни интеллектуал ва ҳаракат функцияларини, шунингдек, ҳиссиёт ва шахсий ривожланишида ота-оналар меҳрибонлиги катта ўрин тутади. Айнан шунинг учун врачлар ҳамжамияти ва бошқа ташкилотлари бундай оилаларга маслаҳатлар бериб бориш замирида ушбу этик меъёрларга ва ушбу психологияга катта эътибор билан ёндошишликни тақозо этади. Агар ногирон бола илгаригидек ўз ота-онаси билан яшай олмаслиги ва унга мос оила топилмаётганлиги аниқланса, унда болани илиқ муҳитли болалар хизмат кўрсатувчи персонал ва ота-оналар доимо яқин муносабатда бўладиган катта бўлмаган гуруҳли яшаш уйларига жойлаштириши керак.

Хизматчиларни алмашинуви минимал бўлиши лозим. Чунки айнан шу йўл билан болани ҳар томонлама ҳимоясини ва ота-она ўрнини босувчи инсонлар билан мулоқотга киришиши имкониятларини таъминласа бўлади.

Функционал бузилишли бола ўзининг ҳиссиёт таассуротларини бойитувчи билим ва малакаларини суғарувчи асосга эга муҳитда ўзига хос ўсиш ва ривожланиш эҳтиёжига эга. Хизматчиларни болаларга нисбатан меъёрларга зид муносабатини болаларда эса, яшашни нотўғри стратегиясини шакллантирувчи йирик муассасаларда ушбу зарурий эҳтиёжларни қондириб бўлмайди. Бундай муассасаларда хизматчиларни аниқ болаларга эмас, балки аниқ масалаларга йўналтирган амалиёти кўп ҳолларда мувофақиятсизликка учраган. Бунда бир хизматчи бир қанча болаларни парваришлашга масъул бўлади, сўнгги ҳолларда хизматчи амалиётни автоматик айланмаси билан эмас, балки, боалалр эҳтиёжлари билан ҳисобланади. Болаларни гуруҳли яшаш уйлари – мактаб, ётоқхоналари, фақатгина зарурий жисмоний парваришни таъминлаш керак эмас. Авваламбор, у болалар учун ўз уйлари бўлиши керак, иккинчидан боаларга ривожланиши стимуллари тақдим этиши керак ва учинчидан, жамият бу болаларга оддий боғча ва тайёрлов мактабларига ва уларни ривожлантирувчи дастурларга йўл очиб бериши

керак. Жисмоний нуқсонга эге ногирон болага янги таассуротларни очишга тўсқинлик, унда бу болага нафақат даволовчи, жисмоний тарбия билан шуғулланишигина эмас, балки уни ҳаракатларини кучайтирувчи техник воситалар имконини ҳам бериш лозим. Агар бола кўриш нуқсонига эга бўлса, маълум даражада ишончни яратишга йўналтирилган алоҳида ҳатти-ҳаракатлар қилиши лозим. Улар болани ҳаракат малакаларини эгаллашга ва кўллашга қўрқмасликни ва атрофдагиларни тушунишга бошлашни ўргатади. Эшитишда нуқсони бўлган болага келадиган бўлсак, улар билан мулоқот эмизикли вақтидан ўргатилиши керак. Бола ҳаётини биринчи йилида алоҳида имо-ишоралар ёрдамида кейинчалик эса, тўйлик имо-ишора ёрдамида амалга оширилади.

Ақлий бузилишга эга бўлган болаларда бўлиши мумкин бўлган кўшимчи функционал бузилишлар, серебал фалаж ёки бошқа ҳаракат функцияларини – кўрлик, карликни олдиндан инобатга олиш ва уларга таъсир этиш лозим. У ақлий қолоқликни чуқурлашини олдини олиш зарур. Шу ерга аутизмга эга бўлган болани парваришлашга қўйиладиган асосий тталаблар ҳам кириб кетади. Гапира олмайдиган соқов ногирон болалар билан ишлаш алоҳида касб этади. Бу болалар алоҳида ёндошишлик, врачлар билан маслаҳатлашган ҳолда боланинг ёши ва ривожланишидан келиб чиқиб ташхис қўйилиши ва уларни гуруҳларга бўлган ҳолда ҳар бир болани лаёқати асосида тарбиялаш лозим. Бунда лагопед ўқитувчининг ўрнини алоҳида баҳолаш керак. Лагопед ўқитувчи ўзининг барча билим ва тажрибаларини ногирон боланинг ёши ва энтизусти орқали амалга ошириши талаб қилинади.

Умуман олганда ногиронликка эга бўлган болаларни ижтимоий ҳаётдаги ўринларини тўғри баҳолаган ҳолда уларнинг ҳаётга қайтариши нормал ҳаёт кечиришга ундаши ижтимоий иш ходими масъулиятлари вазибаларидан биридир.

2.1. Ногиронликка эга бўлган шахсларни парваришlash ва ижтимоий ҳаётга қайтариш тамойиллари¹

Бу борада илмий ва назарий изланишлар аввало, Европа олимлари томонидан амалга оширилган. Улар асосан нормаллаштириши тамойили асосида илмий иш иш олиб борганлар. Нормаллаштириши тамойили турар жой стандартларига масалан, мактаб ётоқхоналари, жамоа бўлиб яшаш хонадонлари ва бошқа хонадонларда қуйиладиган талаблар билан бир хил бўлиши лозимлигини англатади. Бу функционал бузилишига эга инсонлар турар жойи ҳеч қандай вазиятда улар рози бўлган инсонлар сонидан ортиқ бўлган инсонга мўлжаланиши керак эмас.

Жисмоний бузилишга эга инсонлар учун ижтимоий интерфаолликни ва ҳаракатланишни осонлаштирадиган махсус техник мосламалари мавжуд муҳим зарур.

Нормаллаштириш тамойили қуйидагича таърифланади: интеллектуал ва бошқа шахслар учун кундалик мавжудликни ва ҳаёт шароитларида шундай қулайликлар яратиладики, улар жамиятда қабул қилинган шакллarga анча яқин ёки улар билан деярли мос келади. Бошқалар сингари ногирон инсонлар ҳам ҳақли бўлган ва ушбу тамойил қамраб оладиган нормал кундалик ҳаётни ташкилий қисмлари ёки компонентлари қуйидагича таърифланади:

- нормал кундалик ритми;
- нормал ҳафталик ритми;
- нормал йиллик ритми;
- ҳаёт цикли кечишини нормал шакллари;
- ҳурмат ва танлаш ҳуқуқи;
- ушбу маданият учун хос бўлган нормал ҳаёт шакллари;
- ҳар бир мамлакат учун хос бўлган нормал иқтисодий шакллар ва ҳуқуқлар⁴

¹ Ушбу параграф инглиз олими Бенгт Нирье фикарлари асосида тайёрланди

- ушбу жамият учун хос бўлган нормал турмуш тарзи ва атроф муҳитга қўйилган талаблар.

Нормаллаштириш тамойили ушбу маданиятда мавжуд бўлган нормал ҳаёт ритми, амалиёти шакллари ва ногиронларни яшаши, ўсиши ва ривожланишига муносабатларини таъсирини тушунишга асосланади. У шунингдек, ушбу ижтимоий шароитлар ва маданият шакллари исталган ижтимоий муҳитда, барча жамиятларда қабул қилинган инсон ҳуқуқларига мос равишда ногиронларни парваришлашга йўналтирилган конкрет одамлар учун кўрсатма сифатида қўлланилишини кўрсатади. Нормаллаштириш тамойили тиббиёт, педагогика, ижтимоий, сиёсий ва қонунчилик ишлари билан шуғулланадиган инсонлар учун йўлбошчилик вазифасини ўташи лозим. Инсонлар бирор қарор қабул қилиб, унга асосланиб ҳаракат қилганда, натижалар кўп ҳолларда нотўғри эмас, балки тўғри бўлиши лозим.

Нормаллаштириш тамойили ақлий бузилишга эга бўлган барча инсонлар учун, улардаги орқада қолишнинг енгил ёки оғирлигидан ҳамда улар дунёнинг қаерида яшашларидан қатъи назар барча учун таалуқдир. У барча жамиятларда ва катталар гуруҳларида қўлланилади, у шунингдек, индивидуал ривожланишга ёки жамиятдаги ўзгаришларга мослашиши мумкин.

Нормаллаштириш тамойилларини қўлланилиши ақлий бузилишга эга бўлган шахсларнинг “Нормал” бўлиб қолишларига олиб келмайди, бироқ унинг мақсади уларнинг яшаш шароитини функционал бузилишларини инобатга олган ҳолда қандай яхшиланишини кўрсатишдан иборатдир. Нормаллаштириш тамойилини шакллантириш вақтида аввалам бор имконияти ва қобилиятларни эмас, балки бузилишларни кўра оладиган тизим номланган. Бу тизим исталган “касалхоналарни”, ёпиқ муассасаларни ваилдизларни юзага келтиради.

Нормаллаштириш тамойили барча функционал бузилишларга эга бўлган, келиб чиқиши сабабларидан қатъи назар оилалардан, жамиятдан, маданиятидан маҳрум бўлиши хавфи бўлган инсонларга тегишли бўлиб, бу

тамойил уларнинг реблтацияси ва ижтимоий интеграцияси учун хизмат қилади.

Интеграциялаш – бу инсонга куч бахш этадиган ва уни юксалтирадиган жараёндир. Агар у тўғри ташкил қилинса – у ногирон боланинг кучлироқ намоён бўлишига ва кадр-қиммат ҳиссини салмоғини ошишини беради. Шуларни эътиборга олиб интеграциялаш имкон қадар масимал даражада қўлланилиши лозим. Ўзларини ажратиб қўйилганлар сингари сезмаслик учун дўстлар орттириш ва улар билан вақт ўтказиш, айниқса, болалар учун жуда муҳимдир.

Нормаллаштиришни ташкил этиш

Нормаллаштириш – функционер бузилишларга эга бўлган шахсларга нисбатан имкон қадар нормал кундалик ритмни ташкил этишни аглайди. Бундан инсон ҳаракат доирасида ва ривожланишида сезиларли орқада қолиш бўлганда ҳам кроватдан ўрнидан туриб кийиниши зарурдир.

Нормал кундалик ритм шунингдек, ўз тенгдошларидан кичик ука ва сингилларидан эртароқ ушлаш заруриятини йўқлигини аглайди ва бу фақат хизмат кўрсатувчиларнинг етишмаслидандир. Атроф муҳит ҳам шундай тузилиши кераки, унда конкрет инсон учун шахсий кундалик ритми ҳам эътиборга олиниши керак: бу эса баъзида гуруҳ тартибидан четга чиқиш, уни бузиш имкониятини мавжудлигини аглайди.

Нормал кундалик ритмни йўқлиги йирик ёпиқ муассасаларда ногиронликни шаклланишини яққол намоёндаси бўла олади: у ерда тартибга ногиронликни шаклланишини имконияти бўлмайди. Қатъий интизом ва тартиб барчада кучсизлик ва ёрдамга муҳтожлик ҳиссини вужудга келишига олиб келади. Янги муҳитда яққол тартибдаги машғулотларни олиб борилиши хатто иқтисодий жиҳатдан ҳам яхши натижаларга хизмат қилиши мумкин. Швециядаги йирик ёпиқ муассасаларда ўтказилган экспериментал иш натижалари шуни кўрсатадики, ушбу дастурни қўлланилиши натижасида ижобий натижаларга олиб келди.

Нормал кундалик ритмда яшаш учун педагогик методларни қўллаб кундалик ҳаётда зрур бўлган турли фаолият турларига, ижтимоий малакаларга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Улар билан ва малакаларини эгаллашдаги аниқ қийинчиликларга мослашиш бўлиши лозим.

Оғир нуқсонларга эга ногирон бола ва унинг оиласи ёки ўз яқинлари билан яшовчи қўшимча ногиронликка эга бўлган катта ёшдагилар иложи бориша нормага яқин кундалик ритмга эга бўлишлари учун кўп ҳолларда махсус малакага эга бўлган уй хизматчиси томонидан қўллаб-қувватлиниши талаб этилади. Барча ногиронлар кун давомида тайёрлов ёки оддий мактабларга боришлари, хизматга ёки бирор машғулотларга қатнашишлари учун уйдан чиқиш имконига эга бўлишлари керак.

“Нормал кундалик ритм” тушунчаси ёпиқ муассасаларнинг камчиликларини бўрттириб қўяди ва ёпиқ муассасаларда яшовчи функционал бузилишларга эга инсонларни очиқ жамиятдаги эҳтиёжларини кўрсатади.

Бу борада ўзбекистон Республикасида амалага оширилаётган ишларга алоҳида ёндошиш зарур бўлади. Ногиронликка эга бўлган шахсларни парваришlash ва ижтимоий ҳаётга қайтариш тамойиллари, республикамизда алоҳида ёндошиш орқали амалга оширилмоқда. Ногиронликка ихтисослашган махсус мактаб интенатлар фаолияти бунинг яққол мисолидир. Ушбу мактабларда олиб борилаётган ишлар, қадриятларимизга мос равишда, бағрикенглик, болажонлик, ногиронларга эътибор нуқтаи назаридан амалга оширилмоқдаки, бу борада ҳукуматимизнинг қатор қарорлари ва тадбирларида ўз ифодасини топган. Ногирон болаларни ижтимоий ҳамда маънавий руҳда тарбиялаш ва уларга алоҳида ғамхўрлик қилиш алоҳида дастур ва лоёихалар орқали амалга оширилмоқда.

2.2. Ногиронликни ижтимоий модели¹

Ногиронликни ижтимоий модели сифатида аста-секин бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтувчи ногиронликка анъанавий ёндашувни танқид қилиш

¹ Профессор Билл альберт мақоласидан фойдаланилди. 2004 йил, сентябр

Буюк Британиянинг имконияти чекланган одамлар ҳаракати ичида ўтган асрнинг 70-йилларида юзага келишни бошлади. Бу ҳаракат индивидуаллашган концепциянинг радикал альтернативасини таклиф қилди. Унда таъкидланишича, имконияти чекланган одамлар ноҳуш ҳолатларда ўзларининг касалликлари туфайли эмас, балки камситиш ва ижтимоий қувиш билан боғлиқдир. Ижтимоий моделнинг истиқболи нуқтаи назарида – бу ижтимоий-сиёсий муаммо. Бу ўз навбатида, олиб борилаётган сиёсатнинг асосан юқорида айтиб ўтилган тўсиқлари, шунингдек, инсоний ва фуаролик ҳуқуқларига урғунинг аниқ йўлга қўйишга таалуқли устиворликларни танлашда фундаментал фарқларга олиб келади.

Индивидуал “номеъерийлик” ва тиббий моделга характерли бўлган дастлабки, даво тўғрисидаги бошланғич тасаввурдан фарқли равишда барибир имплицит тарзда у ёки бу жисмоний чеклашни “меъерийлик” деб тан олди. Бундан ташқари, тиббиёт ютуқлари имконияти чекланган одамлар миқдорини камайтирмасди, аксинча, уни аҳамиятли равишда оширди, шунчаки одамлар узокроқ яшай бошладилар, бироқ энди оғир касалликлар ва жароҳатларда кўпроқ яшовчан бўлиб қолдилар. Қайсидир маънода имконияти чекланган одамлар пропорцияси жамиятнинг иқтисодий фаровонлигида яхши индикатор бўлиб қоладилар. Кескин академик ва сиёсий тортишувлар ичида бўлгани каби чекланган имкониятли одамларнинг, ижтимоий модел характери ва унинг ревилантлигига нисбатан, шунингдек, у ёки бу вазиятда уни аниқ қўллаш йўллари тўғрисидаги жамоатчилик ҳаракатларидан ташқарида ҳам давом этмоқда.

Кенг маънода ногиронликнинг ижтимоий модели иқтисодий ва маданий тўсиқларга, шунингдек, улардаги жисмоний ёки интеллектуал чеклашлар мавжудлигига зарарли оқибат сифатида қаровчи бошқа одамлар билан тўқнашадиган атроф-муҳит тўсиқларига марказ сифатида қараш демакдир.

Жисмоний чеклашни ҳаётнинг оддий қисми, ногиронликни эса, камситиш ва жамоатчилик билан баргаликдаги натижа сифатида қараб,

ижтимоий модел ногиронлик тушунчасини “алоҳида эҳтиёжли” тиббий геттосидан озод қилиш юзасидан кучланишни амалга оширишга ёрдамлашади ва янги қиёфага кирган сиёсат ҳамда амалиётни ишлаб чиқишда ногиронлик муаммосини киритишга кўмаклашади. Гарчи бу ҳали келажакда анча тўлиқ миқёсда содир этилиши керак бўлса-да, ҳозирданок давлат агентликлари билан бир қаторда халқаро агентликларнинг ҳам ривожланиши муаммоси устидаги ишнинг бирмунча катта контекстига ногиронлик муаммосини киритиш юзасидан жобий фикрлари намунаси мавжуд.

Ижтимоий модел чекланган имкониятли одамларни уларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз ҳуқуқлари учун курашларига уюштириш учун тўла масштабда тақдим этилади. Бу жараёнда ижтимоий модел жисмоний чекланган одамларни нафақат ташқаридан ёрдам олувчи пассив шахс, балки ўз тақдиларининг ижодкорлари нафақат ташқаридан ёрдам олувчи пассив шахс, балки ўз тақдирларининг ижодкорлари бўлишлари лозимлиги ҳақидаги ғояни ривожлантиради. Бу ривожланишга бутун дунё бўйлаб давлат агентликлари томонидан қабул қилинган ва инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашув тўғрисидаги тасаввурга деярли тўлиқ мос тутади.

Жисмоний имконияти чекланган одамларга ўз шахсият ҳаётини белгилаш ва малага оширишда етакчи ролни бериб, ижтимоий модел барча давлатларда, яъни ривожланган давлатларда бўлганидек, ривожланаётган давлатларда ҳам қашшоқданда қашшоқ бўлиб қолаётганларга озод бўлиш учун воситани тақлиф қилади.

Ижтимоий моделни ёқлаш ногиронлиги бўлган одамларни киритган ҳолда соғлиғи бўйича чеклашлар юзага келишидан алоҳида эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши сабабини инкор қилади. Соғлиқни сақлаш хизматларини баробар олиш инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш, ҳарбий интизомларни тўхташи, қашшоқликни йўқотиш сингари жисмоний зарар келтиришга йўл қўймайди.

Ниҳоят, алоҳида таъкидлаш лозимки, ижтимоий модел тиббий моделни тиббий аспектларни оширгани учун танқид қилиб ҳеч бир тарзда тиббий интервенциялар заруриятини рад этмайди.

Ижтимоий модел юзидан бошқ бир танқидий мулоҳаза шундан иборатки, у маданий контекст айниқса, шахсий ҳуқуқларга қилинган урғу кўплпб ривожланган давлатларда оилавий ва жамоатчиликка йўналтирган вазиятлардан фарқ қилади.

Ногирионликнинг ижтимоий модели ногиронлик тўғрисидаги замонавий тасаввурларга серқирра чақирувни ўзида акс эттиради. Ривожланиш контекстида қўлланса, у жисмоний имконияти чекланган одамларнинг ҳаётида ижобий ўзгаришга кўмаклашиб, улар билан ишлаш амалиёти ва сиёсатга ўзгартириш киритишга потенциал тарзда қодир. Бироқ инсон ҳуқуқларига асосланган на бу модел, на ёндашув сеҳрли таёқча бўлолмайди. Ногирионликни ўта енгил қабул қилинган янги парадигмаси бўлиши мумкин, чунки бундай ҳолда жамиятимизда ногиронликка нисбатан қанчалик чуқур ва қанчалик узоқ муддат салбий тасаввур ва йўриқномалар мавжуд бўлганини англамаслик хавфи туғилади.

Юқорида билдирилган фикрларнинг барчаси Европада яъни ривожланган давлатлар ижтимоий моделига таълуқлидир. Мустақилликдан сўнг бизнинг республикамизда ногиронликка нисбатан эътибор алоҳида дастурлар, қарорлар асосида ижривий учга эгаки, жамиятимизнинг ҳар бир ногирон аъзоси ўзини камситилган деб ўйламаслик борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, болалар ногирионлигига алоҳида эътибор берилмоқдаки, бу эътибор Президентимизнинг ташаббуслари билан турли ижобий йўналишлар ва тамойиллар асосида ўзининг бўй-басти билан бу ташаббусга жавоб бермоқдаки, биз буни амалга оширилаётган ишлардан кўриб турибмиз.

Хулоса

Буюк истиқлол туфайли Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча соҳадаги самарали ишларнинг бош мақсад ва тамойили янги эркин демократик жамият қуриш, инсонпарварликка йўғрилган ижтимоий ва маънавий турмуш тарзини яратиш ва фуқароларни ҳуқуқини кафолатлайдиган ислохотлар ўтказишдан иборатдир. Мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг устивор ва долзарб йўналишларидан бири келажагимиз бўлиши, янги авлодни тарбиялаш, болаларни муҳофаза қилишга қаратилган. Болалар бизнинг келажагимиз экан, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш, барча имкониятларимизни ишга солиб, миллатимиз ва ривожланиш йўлида дадил қадамлар билан бораётган давлатимиз учун ҳар биримиз муносиб ҳиссамизни қўшишликни тақазо қилмоқда.

Бугунги кунда маълумки инсоният қўли билан яратилиши мумкин бўлган барча нарсаларни ривожлантиришни талаб этмоқда. Маънавий соҳада ҳам ҳали биз поёнига етмаган, бугунги кун тақазоси билан йўлга қўйилиши зарур бўлган йўналишлар борлигини унитмаслигимиз керак. Шундай долзаб вазибалардан бири, ижтимоий ҳимояга мухтож болалар, аниқроғи ногирон болалар ва уларни оилалари ва ўзлари билан фаоол иш олиб боровчи касб эгалари ижтимоий иш ходимларидир. Уларнинг фаолиятларини илмий-ижодий нуқтаи-назардан ўрганиш, бу жараёни тадқиқ этишнинг долзарб вазифа деб тушунмоқликни тақазо этмоқда.

Мазкур битирув малакаий ишини замирида жамият ҳаёти тушунчаси, унинг моҳият-мазмуни, маънавий янгиланишлар жараёнида, Ўзбекистонда қарор топган бадий реалликни ижтимоий моҳияти ва шу орқали ёрдамга мухтож болалар, жумладан ногирон болаларни маънавий ҳаёт янгиланишининг, уларга бўлган эътиборнинг мазмун ва моҳияти долзарблиги асос қилиб олинди. Шу билан бирга ногиронликка эга бўлган болаларни маънавий ҳаёт янгиланишининг ижтимоий моҳияти очиб берилди ва шу асосда мақсад белгиланди.

Ҳар бир ишни амалга оширишда ва уни бажаришда, долзарблик, мақсад ва вазифаларни белгилаш жараёнида услуб ва йўлларни ўрганиш борасида назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш бош вазифалардан этиб белгиланади. Ушбу ишларни амалга ошириш учун аввало, мавзунинг гнезиси, яъни келиб чиқиши ва ривожланиш нуқтасини ўрганиб чиқиш зарур бўлади. Асосий нуқта қилиб жамиятнинг кичик аъзолари саналмиш ногирон болаларнинг тарбиявий-маънавий камолотини, ижтимоий моҳиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш асос қилиб олинди. Шундан келиб чиқиб ўзим ишлаётган Наманган шаҳар 6-сонли ихтисослашган махсус болалар уйида тарбиячи-педагоглар томонидан олиб борилаётган ишлар ногирон болаларга ғамхўрлик, ташкил қилинган шароитлар, ногиронликка эга бўлган болаларни ижтимоий ҳаётдаги ўрнини англаш борасида маънавий-тарбиявий ишларни қанчалик йўлга қўйилганини эътироф этган ҳолда, ушбу болалар уйини асосий объект, жой қилиб белгиланди.

Ушбу ихтисослашган болалар уйида жами 65 та болалар тарбияланади. Уларнинг ёши 0-дан 7-ёшгача бўлиб, уларга 40 нафар тарбиячи устозлар меҳр қўлларини бериб, тарбияси билан шуғулланадилар. Мен ҳам ушбу болалар уйида лагапед вазифасида ишлайман. Тили ногирон болаларни тўғри сўзлашга ўргатиш, уларнинг ҳар бир лаҳчасини тўғрилаб, сўзларни дона-дона қилиб айтишни муолажа оширишга ҳаракат қиламан. Болалар ногирон бўлсада ёшлиқдан бошлаб, улардаги маънавий ҳаёт туунчасини ҳосил қилиш ва ижтимоий моҳиятини англашлари учун изланиш олиб бораман.

Болалар уйида маънавий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган бўлиб, болалар уйи раҳбарияти томонидан режалар, топшириқлар ишлаб чиқилган ва амал қилиниши, ўрганилиши зарур бўлган қарор ва кўрсатмалар тадқиқот ишининг методологияси бўлиб хизмат қилса, амалга оширилган барча ишлар, тадбирлар, режаларнинг бажарилиши, ижро интизомини ташкил этиш, тадқиқот ишининг амалий томонини ташкил этади.

Ушбу диплом иши кириш, иккита боб, тўрт параграф, хулоса, тавсия ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг услуб ва йўллари, илмий фараз ёритилган бўлиб, асосий амалга оширилиши зарур бўлган ишлар белгиланган. Биринчи бобда маънавий ҳаёт тушунчаси, жамиятнинг маънавий ҳаётиги даҳлдор, ижтимоий ингнинг келиб чиқиши, маънавий фаолиятни яратиш борасида фикрлар юритилади. Биринчи бобнинг биринчи параграфиди маънавий янгиланишнинг ижтимоий-маданий асослари таҳлил қилинади. Яъни янгиланиш жараёнида инсон тафаккурини янгилаш, унинг ижтимоий турмуш тарзини янгилаш ҳақида сўз боради. Маънавиятда миллий қадриятларнинг ўрнини иккинчи параграфда аниқ қилиб белгилаб берилади. Яъни миллий мустақиллик маънавият ҳодисасига янгича ёндошишлик заруриятини келтириб чиқариши ҳақида фикр билдирилади.

Тадқиқот ишининг иккинчи бобиди эса асосий мақсадга яқинлашади. Яъни ногиронликка эга бўлган болаларни маънавий ҳаётдаги ўрни ва ижтимоий моҳияти ҳақида тўлақонли фикрлар баён қилинади. Ногиронлик нима? Деган саволга жавоб берилади. Ногирон болаларга ғамхўрлик қилиш дунё андозалридан келиб чиқиб ёндошиш зарурлиги қайд қилинади. Ушбу бобда асосан хориж тажрибасидан келиб чиқиб чет эл олимларининг фикрлари асосиди фикр юритилади.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфиди ногиронликка эга бўлган шахсларни парваришланиш ва ижтимоий ҳаётга қайтариш тамойиллари ҳақида сўз боради ва бунда ҳам инлиз олими Бенгт Ниръе фикрлари асосиди тамойиллар ҳавола қилинади ва асосан нормаллаштириш тамойилининг таърифлари берилади. Охирги параграфда ногиронликни ижтимоий моделлари ҳақида сўз боради. Бу моделлар ҳам европа стандартларига мос бўлиб, профессор Билл Альберт фикрларидан фойдаланилган. Юқориди билдирилган ва таҳлил қилинган фикрларнинг барчаси ривожланган давлатлар ижтимоий моделига ва тамойилларига асослангандир.

Мустақилликдан сўнг бизнинг республикамизда ногиронликка нисбатан эътибор алоҳиди лойиҳалар, дастурлар, қарорлар асосиди ижровий

кучга эгаки, жамиятимизнинг ҳар бир ногирон аъзоси ўзини камситилган деб ўйламаслик борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, болалар ногиронлигига алоҳида эътибор берилмоқдаки, бу эътибор президентимизнинг ташаббуслари билан турли ижобий йўналишлар ва тамойиллар асосида ўзининг ечимини опмоқда. Шу боис ногиронлар, айниқса ногирон болалар уйларидаги, махсус мактаблардаги шарт-шароитлар ўзининг бўй-басти билан бу ташаббусга жавоб бермоқдаки, биз буни амалга оширилаётган ишларда кўриб турибмиз. Ушбу ишларни амалга оширишда ижтимоий иш ходимларининг олдиларига ҳам бажарилиш зарур бўлган вазифалар юкланадики, ижтимоий иш ходимидан зарурий билим, амалий ишлар, ҳалоллик, маънавий етуклик талаб қилинади ва шу йўлда изланиш зарурлиги вазифа этиб белгиланади.

Тавсиялар

Ногиронликка эга бўлган болаларни маънавий ҳаёт янгилишининг ижтимоий моҳиятини англаб етиш ва уни тамойил ва моделларини амалга ошириш учун қуйидагилар тавсия қилинади:

1. Жамият миқёсида ижтимоий-маданий асосларини илмий таҳлил қилган ҳолда ёндашиш, бугунги ўзгаришлар жараёнида янгилишнинг ўзига хос услуб ва йўллари асоси сифатида амалга оширилаётган ишларни таҳлил этиш ва шарҳлаш;
2. меҳрибонлик уйларида амалга оширилаётган маънавий-маданий соҳадаги ишларни кўламини кенгайтириш, болалар ижтимоий-маънавий ҳаётини янгича босқичлар асосида ўрганиш ва тадбиқ этиш;
3. Нормаллаштириш тамойилини шакллантириш вақтида авваламбор ақлий бузилишларга эга бўлган болаларни тарбиялашни тамойилини топиш;

4. Ногиронликни ижтимоий моделлик амалга оширишда турли босқичдаги ногирон болаларни гнезисутив кўринишларига эътибор бериш;
5. Ногиронликка эга бўлган болаларни парваришлаш ва ижтимоий-маънавий тушунчаларини шакллантиришда миллий кадриятларни ўрнини англаб етиш ва тарбияга тадбиқ этиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли”. Т.: “Ўзбекистон” 2003
2. Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”. Т. “Ўзбекистон” 2000
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодий, сиёсий мафкура”. I том. “Ўзбекистон” нашриёти
4. Собирова З. “Жамият янгиланиши ва бадий-эстетик омиллар”. Тошкент “Фалсафа ва ҳуқуқ” 2007
5. Умаров Э., Фбдуллаев М. “Манавият асослари”. Т.: “Шарқ” 2005
6. “Бола ва замон” журнали. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази. № 4. 2009
7. Юнусов А.Б. “Ўсмир меъёрни бузса”. Т.: 2008
8. Чичерина Я.Е., Бондарева Е.В., Нуркельдиева Д.А. хрестоматия для проведения тренинга «Основы социальной работы еденъми инвалидами и их семьями». Т.: 2010
9. Ганиева М.Х. Ижтимоий иш асослари. Т.: 2010
10. Ганиева М.Х., Карамян М.Х., Ким Л.Э., Шубина А.В. ижтимоий ишчининг профессиограммаси. Т.: 2009